

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди



15:24 / 24.08.2023 1562

Президент Шавкат Мирзиёев 24 август кунни Самарқанд вилоятига келди. Давлатимиз раҳбари аввало Пайариқ туманига бориб, Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

- Илоҳим, дуоларимиз ижобат бўлиб, Аллоҳ юртимизни тинчлик-осойишталикда сақласин, файзу барака берсин. Мана, мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами арафасида турибмиз. Халқимиз билан бирга шу кунларга етганимизга шукрлар айтамиз. Олдимизга яна катта-катта режалар қўйганмиз. Бунинг учун икки карра кўпроқ ҳаракат қилишимиз, ёшлар тарбиясига эътибор беришимиз керак. Ҳамма соҳада таълимни, билимни оширсак, натижалар юқори бўлади. Ёшларимиз Имом

Бухорий, Мирзо Улуғбекдай боболаримизга муносиб бўлишини иштаймиз, - деди Шавкат Мирзиёев.

Ислом маърифати бўйича, худди Бухородагидек, Самарқандда ҳам намуна яратиш кераклиги таъкидланди. Алломаларимиз меросидан фойдаланиб, жаҳолатга қарши маърифатни кучайтириш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳозирги кунда Имом Бухорий мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари пардозлаш ишлари намуналарини кўздан кечирди.



